
ЯНГИҚЎРҒОНДА "АНСОР" ОЧИЛДИ

Бувайда тумани марказида “Ансор” савдо мажмуаси барпо этилди. Мажмуанинг вилоят ҳоқими Х.Бозаров очиб берди ва мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари,тадбиркорларга яратилаётган шароит ва имтиёзлар ҳақида сўз юритди.

Собиқ “Миллийбанк”нинг эски биноси ўрнига бир йилу саккиз ойда қуриб битказилган уч қаватдан иборат ушбу мажмуанинг биринчи қаватида савдо маркази, миллий таомлар, IT маркази, дорихона жойлашган, иккинчи қаватида 20 дан ортиқ савдо дўконлари, аёллар гўзаллик маркази, фото ҳудуд,учинчи қаватида эса болалар ўйингоҳлар ва майдончаси, замонавий аттракционлар ва умумий овқатланиш тармоғи жойлашган.

Вилоят ҳоқими туман ҳоқими Б.Ибрагимов ҳамкорлигида мажмуани кўздан кечирди ва мажмуа ҳақидаги фикрларини билдириб, тегишли тавсиялар берди.

Мажмуада мижозларга қулайлик яратиш мақсадида оналар ва болалар хонаси, замонавий иситиш ва совутиш тизими, юқори қаватларга чиқиш учун эскалатор ўрнатилган.

Ҳозирда мажмуада 150 дан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланган. Учинчи қават ҳам ишга тушса 500дан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланади.

2022-05-16 16:02:02